



FUNDAMENTALS OF ENSURING STABILITY AND SECURITY OF INDEPENDENT DEMOCRATIC DEVELOPMENT IN MODERN CONDITIONS

Alisher N. Nazarov

Doctor of Philosophy (PhD) in Political Science

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: political development, civilization, democracy, inner civilization dialogue, world system, world order.

Received: 11.05.23

Accepted: 13.05.23

Published: 15.05.23

Abstract: This scientific article considers main factors of contemporary political development, as well as the scientific approaches and conceptual thoughts, related to this phenomenon.

ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА МУСТАҚИЛ ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСЛАРИ

Алишер Н. Назаров

сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Тошкент давлат шарқишунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: сиёсий тараққиёт, цивилизация, демократия, цивилизациялараро мулоқот, дунёвий тизим, дунёвий тартибот.

Аннотация: Мазкур илмий мақолада жаҳон сиёсий тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари, йўналишларини акс эттиришга қаратилган турли ёндашувлар ҳамда замонавий сиёсий тараққиёт ҳодисасининг муҳим омиллари, унга доир концептуал ғоялар ҳақидаги фикрлар баён қилинган.

ОСНОВЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ СТАБИЛЬНОСТИ И БЕЗОПАСНОСТИ НЕЗАВИСИМОГО ДЕМОКРАТИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ

Алишер Н. Назаров

Доктор философии (PhD) в области политических наук

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: политическое развитие, цивилизация, демократия, межкультурный диалог, мировая система, мировой порядок.

Аннотация: В данной научной статье рассмотрены основные факторы современного политического развития, а также научные подходы и концептуальные идеи, связанные с данным явлением.

КИРИШ

Дунёда намоён бўлаётган янги тенденциялар ҳамда сиёсий ўзгаришлар динамикаси ва истиқболларини англаш, тегишли концептуал хулосаларни ишлаб чиқиш талаблари ва эҳтиёжлари том маънодаги янги илмий ёндашувлар, парадигмаларни асослашни тақозо этмоқда. Шу муносабат билан, жаҳон сиёсий тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари, йўналишларини ақс эттиришга қаратилган турли ёндашувлар пайдо бўлди. “Сиёсий глобаллашув”, “цивилизация”, “социо-маданий”, “дунёвий – тизим” дея номланувчи ёндашувлар шулар жумласидандир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бу ўринда “С.Хантингтоннинг халқаро сиёсат ва халқаро муносабатларни тадқиқ этишда цивилизация ёндашув методологиясига бағишланган илмий ишларини алоҳида эътироф этиш жоиз. [С. Хантингтон 1994; С. Хантингтон 1996] Олимнинг ушбу методологияга мурожаат қилиши бевосита Ғарб мамлакатлари ва уларнинг Хитой, Ислон дунёси ва ғарбга мансуб бўлмаган бошқа цивилизациялар билан муносабатлари ҳамда истиқболларини тадқиқ қилиш эҳтиёжларидан келиб чиққан эди.”[1]

Ҳозирги замоннинг ўзига хос ёндашувларидан бири бўлган “дунёвий-тизим” ғоясининг инсоният тараққиёти хусусиятларини англашдаги аҳамияти Дж. Модельскийнинг илмий ишларида ўз ифодасини топди. [Modelski 2005]

Ф.Фукуяманинг “Тарихнинг интихоси”, “Либерал демократиянинг тўлиқ ғалабаси” каби ғоялари ҳам жаҳон сиёсий тараққиёти ҳақидаги ёндашувлар қаторидан ўзига хос ўрин эгаллади.[2]

Мазкур ёндашувларда бугунги сиёсий тараққиёт жараёнларининг тенденцияларини англашга хизмат қилувчи рационал асослар мавжуддир. Кўп ҳолларда илмий адабиётларда мазкур ёндашувларни бир-биридан ажратилган ҳолда ишлатилишини кўриш мумкин. Ваҳоланки, ҳозирги замонга хос сиёсий жараёнларни тадқиқ қилишда фақат айро олинган методологик асосга таянган ҳолда концептуал хулосаларни чиқариш бир ёқламалик бўлиб қолади. Жаҳон сиёсий тараққиётининг истиқболлари ҳақида сўз юритилганда, унинг айрим фрагментларига асосланган ҳолда хулосалар чиқариш бугунги куннинг талабларига мутлақо тўғри келмаслиги тажрибада ўз исботини топган.

Шундай экан, дунёда рўй бераётган жараёнлар моҳиятини изоҳлаш учун ушбу методологик ёндашувларнинг рационал асосларини бирлаштириш ва унинг асосида тегишли илмий хулосаларни ишлаб чиқиш ҳозирги замоннинг мураккаб хусусиятларини тўғри англаш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, замонавий дунёда рўй бераётган жараёнлар ва унинг айрим жиҳатлари қанчалик кенг қамровли, зиддиятли бўлмасин мавжуд назарий қарашлар, методологик парадигмаларни рационал асосларини бирлаштирган ҳолдагина уларнинг моҳиятини тўғри англаш ва унга мувофиқ илмий хулосалар ва тавсияларни ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Ушбу жараёнда инсоният олдида турган барча муаммоларни ҳал этиш, турли туман тўсиқларни бартараф қилишнинг бош манбаи, асоси сифатида ҳозирги замоннинг энг улуғвор қадрияти бўлган демократия ғоясидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон тарихида намоён бўлган кўпгина қарама-қаршиликлар, зиддиятли вазиятларнинг фақат демократия принциплари орқали ижобий ҳал этилгани фикримизнинг ёрқин далилидир. Демократия инсониятнинг буюк ғояси сифатида дунё мамлакатлари, халқларнинг сиёсий тузуми, миллати, географик жойлашувидан қатъи назар барчага бирдек адолатли муносабатда бўлишни талаб этади.

Ўз навбатида, замонавий халқаро тенденциялар, давр талаблари демократия ўлчамлари, меъёрларини янги даражада кенгроқ қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда. Бунинг учун эса, бир томондан демократик институтлар фаолияти самарадорлиги ва имкониятларини янада кенгайтириш, иккинчи томондан эса демократиянинг концептуал ва социал заминларини мустаҳкамлаб бориш долзарб аҳамият касб этмоқда. Мана шундай ҳолатни Р.Даль “Демократиянинг реалистик варианты”[3] деб атаган эди.

Бунда демократиянинг бугунги назарий асосларини ва реал ҳаётда намоён бўлиш қоидалари ҳамда принципларини давр талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш назарда тутилмоқда. Шу боис ўзининг қарийб икки ярим минг йиллик тарихига эга бўлган “демократияни чуқурлаштириш” замонамизнинг энг долзарб масаласига айланди.

“Демократияни чуқурлаштириш” фикри мавжуд демократик ғоялар ва институтларни бирор шубҳа остига олиш ёки уларга нисбатан ишонч камайганлигидан дарак бермайди. Аксинча, бугунги кунда демократик ғояларни тараққий эттириш борасида шу пайтгача эришилган улкан ижобий натижаларга таянилган ҳолда, унинг имкониятларини янги қирраларда намоён этиш ва улардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бунинг натижасида аввало дунёдаги ҳозирги геосиёсий вазиятларнинг кескинлашувига сабаб бўлаётган омиллар бартараф этилади, цивилизациялараро янги гуманистик мулоқотнинг йўлга қўйилишига шароит яратилади.

Халқаро муносабатлардаги бугунги салбий жараёнлар: минтақавий ва глобал қарама-қаршилиқларнинг кучайиб бориши, янги дунёвий тартиботнинг шаклланиши билан боғлиқ муаммолардан турли ғаразли экстремистик кучларнинг фойдаланиб қолишга интилаётгани, ёвуз кучларга қарши курашда дунё ҳамжамиятининг барча имкониятлари тўлиқ сафарбар этилмаётгани шак-шабҳасиз халқаро жараёнларнинг демократик заминларини янги даражага олиб чиқишни талаб қилмоқда.

XXI асрнинг бошларига келиб, жаҳонда намоён бўлаётган етакчи тенденциялар ушбу давр демократик ғоясининг эволюцион тараққиётида ўзига хос янги босқич бўлишини яққол кўрсатиб турибди. Бундай ҳолат демократиянинг концептуал асосларини замонавийлаштириш, бугунги куннинг эҳтиёжлари билан уйғунлаштириш заруриятини долзарб қилиб қўймоқда.

Фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокини юқори даражада таъминловчи замонавий демократия механизмларини яратиш ва амалиётга татбиқ қилиш бугунги куннинг энг долзарб масалалари сирасига киради.

Шу муносабат билан вакиллик демократияси ва унинг институтларини янада ривожлантириш борасида илмий жамоатчилик томонидан янги ғоялар илгари сурилмоқда.

Ушбу ҳолат демократиянинг амал қилиши билан боғлиқ янада мукамалроқ рационал асосларини кашф қилиш эҳтиёжларининг тобора ортиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Бу жараёнда “электрон демократия”, “интилувчан демократия” (Liquid Democracy) каби ўзига хос қарашлар ҳам пайдо бўлди. Демократиянинг замонавий қирраларини кўрсатиб беришга қаратилган бундай ғоялар қанчалик кўп бўлмасин, барибир охиروқибатда асосий мақсад – демократиянинг янги концептуал талқинларини яратиш, янада адолатлироқ, замонавийроқ ва самаралироқ кўринишдаги халқ ҳокимиятчилигини рўёбга чиқаришга асосланувчи давлатчилик шакллари вужудга келтиришдан иборат бўлиб қолаверади. Аслида ҳам демократия принциплари замида рўй берувчи сиёсий тараққиётнинг бош мазмунини ушбу ҳолатлар ташкил этади.

Шу жиҳатдан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида асосий эътибор демократик институтлар ва нормаларни такомиллаштириш, концептуал асосларини янада ривожлантириш ва улар асосида жамиятимиз сиёсий тараққиётининг демократик заминларини янада такомиллаштириб беришга қаратилмоқда.

Натижада жамиятимизнинг энг долзарб эҳтиёжларидан келиб чиқувчи ҳамда замонавий демократиянинг назарий талабларига муштарак бўлган янги илмий ғояларнинг яратилиши учун мустаҳкам пойдевор ҳозирланди. Зеро, фақат замон билан тенг қадам ташлаётган, тез ўзгараётган дунёнинг қатъий шарт ва талабларига жавоб беришга интилаётган мамлакатнинг келажаги ёруғ бўлиши мумкин.

Эътиборлиси шундаки, жамиятимизни демократлаштириш ва модернизация қилишнинг назарий концептуал асосларини изчил янгилаб бориш мамлакатимиз тараққиётининг туб манфаатлари билан уйғунлашган ҳолда амалга оширилмоқда.

ХУЛОСА

Мазкур хулосалар мамлакатимиз демократик тараққиётининг бугунги кундаги моҳияти ва муҳим қондаларини англаш, аниқ тасаввур қилиш билан боғлиқ ўта муҳим вазифалар ҳал этилишида дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг концептуал заминларини бундай тарзда янгиланиши ва замонавийлаштирилиши ўз навбатида, давлатимиз сиёсий тараққиётининг стратегик асосларини янада мустаҳкамланиши учун қудратли манбаларни вужудга келтирилишини таъминлаб бермоқда.

Зеро, ҳозирги дунёда рўй бераётган жараёнлар кўрсатиб турганидек изчил демократик янгиланишлар орқалигина сиёсий тараққиёт барқарорлиги ва хавфсизлигини муттасил равишда таъминлаб бориш мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Пантин В.М. Исследование перспектив мирового политического развития: проблемы методологического синтеза// Полис, 2012 №6 – С. 27.
2. Fukuyama F. The End of History and the last Man. N.Y. Free Press. 1992.
3. Полис, 2004. №2. С. 79.
4. A.Nazarov “CHALLENGES TO UZBEKISTAN’S SECURE AND STABLE POLITICAL DEVELOPMENT IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION” Journal on International Social Science Vol.1, No.1, 2021 Pages 26-31.
5. Алишер Назаров. ЯНГИ ДУНЁВИЙ ТАРТИБОТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ЖАРАЁНИДА СИЁСИЙ ТАРАҚҚИЁТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ. Oriental Journal of History, Politics and Law Vol.2, 2022 Pages 21-25.